

“Тасдиқлайман”
“Қашқадарё сув таъминоти”
МЧЖ бош муҳандиси
Т.Якубов.
2022 йил.

ИЧИМЛИК ТАРМОҚЛАРИ ҚУРИЛИШИ

ТЕХНИК ШАРТ № 280

Буюртмачи: Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси.

Иншоотнинг номи: Қарши туман “Дашт” маҳалласида ичимлик сув тармоқлари қурилиши.

Манзили: Қарши туман “Дашт” маҳалласи.

І.ИЧИМЛИК СУВИ ТАРМОҒИГА УЛАНИШ БҮЙИЧА.

1.Ичимлик сув тармоғига уланадиган жой: “Дашт” маҳалласини ичимлик сув билан таъминлаш учун, ҳудудда жойлашган “Файзиобод” сув йиғиш ва тарқатиш иншоотидан улансин ва насос станция реконструкция қилинсин ва насослар билан жиҳозлансин. Ичимлик сув тармоқлари тортиш лойихада аниқлансин.

2. Уланадиган ичимлик сув қуври диаметри: Гидравлик ҳисоб-китобга кўра аниқлансин.

3. Истеъмолчи ичимлик сув тармоғига уланган нуктага кузатув кудуғи қурилсин ва зулфин (задвижка) ўрнатилсин.

4. Уланиш нуктасига замонавий сув ўлчаш асбоби ўрнатилсин (уланган нуктага ва ҳар бир хонадонга).

ІІ.ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР.

1. Лойихалаштирилаётган ичимлик сув тармоғи чуқурлиги ва ўрни топотасвир ёрдамида аниқлансин, тармоқ чуқурлиги ва ўрнини белгилашда мавжуд ичимлик сув тармоқларининг жойлашуви ва чуқурликлари инобатга олинсин.

2. Ажратилган ер майдонида қурилиш даврида ёнидан ўтувчи ичимлик қувурларини муҳофаза зонасини сақлаш шарт.

3. Техник шарт лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаш учун берилди.

4. Ичимлик сув қуври тармоғининг тайёрланган дастлабки ЛСХ “Қашқадарё сув таъминоти” МЧЖ билан келишилсин.

5. Техник шартнинг амал қилиш муддати берилган кундан бошлаб икки йил.

Асос: “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси Қашқадарё вилояти филиалининг 25.10.2022 йилдаги №782-сонли хати, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 апрелдаги №408-сонли қарори, Қарши туман сув таъминоти филиалининг 01.11.2022 йилдаги №103-сонли техник ҳулосаси.

ИЧТБ бошлиғи



К.Қўйбоқоров